



24
ОКТАБРЬ 2021 ЙИЛ

**- ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ**

Ассалому алайкум, азизлар!

БЕШАРИҚ ТОНГИ

*Бешариқ тумани
ҳокимлигининг
ижтимоий-сиёсий
нашри*

Газета 1932 йил 15 майдан чиқа бошлаган.

2021 ЙИЛ 9 ОКТАБРЬ,
ШАНБА, № 41 (8974)

(Баҳоси келишилган нарҳда)

*Газета ҳафтада
бир марта чиқади*

24 **ЎЗБЕКИСТОН
ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИ**
ОКТАБРЬ 2021 ЙИЛ

УЧАСТКА РАИСЛАРИ ИШТИРОКИДА



Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни тобора яқинлашмоқда. Бу сиёсий жараёнга ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўриш ва уюшқоқлик билан ўтказиши ҳаммамиз учун муҳимдир. Бунда жойларда тузилган сайлов участкалари аъзолари ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришлари муҳим аҳамият касб этади.

Туман ҳоқими Р. Жўраев Яқкатут ҳудудидаги сайлов участкалари раислари иштирокида йиғилиш ўтказди. Йиғилишда туман ҳоқими яқинлашиб келатган демократик жараён – Президент сайловида сайлов участкалари раислари олдида турган вазифалар ҳақида батафсил гапирди.

СУРАТДА: мулоқот пайтида.

ҲАР БИР МУРОЖААТ – ЭЪТИБОРДА



САЙЁР ҚАБУЛ

Туман болалар мусиқа ва санъат мактабида вилоят ҳокимининг туризм ва спорт масалалари бўйича ўринбосари Хуршид Аҳмедов сайёр қабул ўтказди.

Сайёр қабул давомида 33 нафар фуқароларнинг муурожаатлари эшитилди. Му-

урожаатлар дахлдорлигига қараб тегишли ташкилотлар раҳбарлари иштирокида кўриб чиқилиб, ижроси назоратга олинди.

СУРАТДА: сайёр қабул жараёнидан.
Ф. ЗОКИРОВ олган сурат.

ТУРАР ЖОЙ БИНОСИГА ПОЙДЕВОР ҚЎЙИЛДИ



130 хонадонга
мўлжалланган, 5 қаватли

бино қурилишини
“Баҳринисо она текс”

*Шаҳримизнинг Олтин
Водий кўчасида жойлашган
“Ўзмилийбанк”нинг
Бешариқ филиали орқа
томонида қуриладиган
янги турар жой биносига
пойдевор қўйилди.*

оилавий корхонаси қурувчилари амалга оширмоқда.

Янги турар жой биносига пойдевор қўйилиши муносабати билан туман ҳоким Р. Жўраев ва сектор раҳбарлари иншоот қуриладиган майдонда бўлди. Ҳоким қурувчиларга яратилган шарт-шароит билан танишди ва уларга кучқувват тилади.

Қурилажак ўшбу тураржой биноси кўплаб юрдошларимизга узоқ йиллар хизмат қилиши ҳақида айтилди.

УСТОЗЛАР ШАРАФЛАНДИ



Ўтган ҳафтада 1 октябрь - Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан “Малика” тўйхонасида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирга халқ таълими соҳасида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган меҳнат фахрийлари, илғор ўқитувчи ва мураббийлар таклиф этилди.

Туман Р. Жўраев тўпланганларни байрам билан қизғин ва самимий муборокабод этди. Бир гуруҳ халқ таълими фидойилари, устоз-мураббийлар туман ҳокимлигининг ташаккурномаси ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.

РЕЖА УДДАЛАНДИ

С. Марасулов номли ММТП ҳудудидаги «Янги ҳаёт» фермер хўжалигида 30 гектар ердаги «Наманган-77» навли пахтадан 114 тонна ўрнига 116,2 тонна «оқ олтин» териб олиниб, йиллик режа ошириб бажарилди.

Шу ММТПдаги «Бўтабой Жуманов» фермер хўжалиги ҳам зафар кучди.

44,3 гектар ердаги пахтадан 155,7 тонна ҳосил олиниб, йиллик режа бажарилди. Ҳосилдорлик 35,2 центнерни ташкил этди.

ПАХТА - 2021



«Абдумалик ота» фермер хўжалиги Собиртепа ММТПдаги илғор хўжаликлардан. Айна кунда 14-отряд теримчилари хўжалик пахтасини теришмоқда. Теримчилар муносиб рағбатлантириляпти.

СУРАТДА: хўжалик раҳбари А. Мусурмонов илғор теримчилар билан.
Т. ХОШИМОВ олган сурат.

